Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 6 март, шанба • № 28-29 (24.424).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом КАРИМОВ:

Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

САВОЛ: Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида мамлакатимиз ва чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва талқинлар билдирилмоқда. Улар орасида мутаассиб террорчи кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Муҳтарам Президент, шу масала юзасидан сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, мазкур воқеалар ҳақида нафақат бизнинг матбуотимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп-кўп чиқишлар бўлмоқда. Уларда турли хил эҳтимоллар, тусмол ва гумонлар баён этилмоқда. Қабиҳ ниятлар билан қилинган бу мудҳиш ишлар орқасида турган кучларнинг ақлга сиғмайдиган қилмишлари тўғрисида холис, вазмин мулоҳазалар билан бир қаторда айрим оммавий ахборот воситаларида асоссиз фикрлар, бирёқлама қарашлар, енгил-елпи хулосалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга шов-шув гапларга ўч баъзи «чаққон» журналистларнинг, муайян сиёсий ва моддий манфаатлар нуқтаи назаридан иш кўрадиган мутахассис ва шарҳловчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масалада шахсан менда эътироз уйғотадиган жиҳат шундаки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда. Масалага бундай юзаки, бир томонлама ёндашув кишини ранжитади, албатта. Чунки бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайди, очиқроқ айтсак, бу муаммонинг негизига етиб боролмайди.

Бу ҳақда мен «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобимда тўхталиб, дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим.

Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлиғим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади.

Айтмоқчиманки, **биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Инсоний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз.** Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхшиёмон кунларимизда худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукур» деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «шукур» ва «тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Туғилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Оллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади.

Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи — у пиёдами, машинадами ёки отлиқми — дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутади. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдими-танимайдими, бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади.

Ахир, шунинг ўзи ҳам мусулмончилик, Оллоҳни танишнинг бир кўриниши эмасми? Ахир, шунинг ўзи ҳам Тангри таолога итоат этиш, охиратни ўйлаб яшашнинг бир мисоли эмасми?

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, иймонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этамиз. Демак, **дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.**

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, **Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда**. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен нафақат февраль воқеалари муносабати билан, балки мамлакатимиз тўғрисида фикр юритадиган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига эслатиб ўтишни жоиз, деб билардим.

САВОЛ: Кейинги вақтда баъзи хорижий матбуот нашрларида, айрим муҳолиф кучларнинг чиқишларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлади, деб шов-шув қилинмоқда. Бундай тахмин ва башоратларнинг бирон-бир асоси борми?

ЖАВОБ: Дунё афкор оммаси яхши биладики, биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомилига етказилди. Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир.

Президент мамлакат Асосий қонуни — Конституцияга тўла амал қилишига кафолат берадиган шахс. Шундай экан, мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, юқорида зикр этилган шов-шувларга мутлақо ўрин йўқ.

Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман

Оқ-қорани,дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсону ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда аввало Оллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Замаҳшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? **Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур эта олмаймиз.**

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. **Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.**

Бу борада амалга оширилган кўп-кўп ишларимиз — динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз — буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат эҳтиромининг яққол тасдиғи эмасми?

Менга баъзан, ахир, диндорлар Сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилишди-ку, деган гиж-гижловчи, очиғини айтсам, динга бўлган муносабатимни, керак бўлса, сиёсатимизни ўзгартиришга ундовчи саволлар ҳам беришади.

Бу хусусда менинг нуқтаи назарим, жавобим шундай: ўша мудҳиш воқеалар муносабати билан Олий Мажлисда бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган қатъий фикрни билдирган эдим. **Шу фикрни ривожлантириб айтаманки, мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман.** Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим, деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. **Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.**

Портлашларни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг орқасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар эса уларнинг тирноғига ҳам арзимайди. Ўзингиз айтинг, ўз она-Ватанига қўл кўтарган одам одамми?! Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?!

Ҳаммамиз яхши биламиз, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш — бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини «ҳақиқий мусулмон» деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, хунрезлик, қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай дахли бор?!

Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Содир этилган қўпорувчилик хуружлари хусусида ғазаб-нафрат билан муносабат билдираётган минг-минг ватандошларимизнинг фикру зикри ҳам айнан шундай эканига имоним комил.

Такрор айтаман: биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз.

Ўзбекистон хотин-қизларига

Муҳтарама оналаримиз!
Мунис опа-сингилларимиз!
Азиз қизларим!

Аввало барчангизни 8 Март — Меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Аёл — Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси.

Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Биз хонадонларимиз қўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан — авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади.

Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини юксак қадрлаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишдан мақсадимиз — аввало хотин-қизлар ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намоён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни эгаллаб олишидир.

Шу билан бирга, бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий топган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлғай, иншоолло.

Менинг жамоатчилигимизга, бутун халқимизга даъватим шуки, аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик!

Яна бир бор барчангизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Яратгандан сизларга омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Гўзаллик ва нафосат байрами

Дунёга гўзаллик таратувчи, дилларда баҳор яратувчи — бу Аёл. Мунис аёлларимиз азал-азалдан эъзозлаб келинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда хотин-қизларнинг нуфузи беқиёс ортди. Уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис аёлларимизнинг ижодкорлиги, тадбиркорлиги ва жамоат ишларида фаоллиги жўш урди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинганлиги опа-сингилларимизга нисбатан чексиз ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлди.

5 март куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 Март — гўзаллик ва нафосат байрамига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда республика жамоатчилиги, турли ташкилот ва муассасалар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг байрам муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган табригини республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова йиғилганларни байрам билан табриклаб, аёлларга билдирилаётган юксак ишонч ва кўрсатилаётган ҳурмат, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ғамхўрлик учун ҳукуматимизга, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Чилонзор туманидаги 16-оилавий поликлиника шифокори, «Дўстлик» ордени соҳибаси Надежда Фролова, Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти Умиджон Мўйсиналиев байрам қатнашчиларини, улар сиймосида мамлакатимиз барча хотин-қизларини қутлуғ айём билан муборакбод этди.

Тантанали кеча республикамиз санъат усталари ва ижодкор ёшлар ижросидаги катта концерт билан ниҳоясига етди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 9 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	70,39	1 Польша злотийси	28,55
1 Австрия шиллинги	8,94	1 СДР	154,08
1 Англия фунт стерлинги	182,57	1000 Туркия лираси	0,32
10 Бельгия франки	30,51	1 Финляндия маркаси	20,70
1 Голландия гульдени	55,85	1 Франция франки	18,76
10 Греция драхмаси	3,83	1 Швейцария франки	77,52
1 Дания кронаси	16,57	1 ЕВРО	123,07
1 БАА дирхами	30,86	10 Жанубий Корея вони	0,92
1 АҚШ доллари	113,36	10 Япония иенаси	9,24
1 Миср фунти	33,25	1 Россия рубли	4,93
10 Испания песети	7,40	1 Украина гривнаси	30,95
100 Италия лираси	6,36	1000 Белорусь рубли	0,49
1 Канада доллари	74,24	1 Латвия лати	192,79
1 Хитой юани	13,69	1 Литва лити	28,34
10 Люксембург франки	30,51	1 Молдова лейи	12,99
1 Малайзия рингити	29,83	1 Қирғизистон соми	3,71
1 Германия маркаси	62,93		

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Эй, Сиз, ўзбекойим...

Аёллари азиз ва мукаррам бўлган диёрнинг гўзаллиги ҳам, таровати ҳам ўзгача бўлади. Бу гўзаллик, бу нафосат аввало шу эл аёлларининг юзларида барқ уриб туради.

Ўн саккиз яшар қизлари қўнғироқ кулгулари билан ўн саккиз минг оламни асир этади. Елкаларини тўлдирган сочларидан сочилиб турган мушк-анбари ила баҳорни уйғотади. Бу ҳурларнинг забонидан сачраган сўзлардан тошга гул битади. Осмони мусаффо, йигитларининг ғурури атиргул бўлиб очиладиган элнинг қизларига маликалик ярашади.

Шу кулгулар, шу гўзаллик, маликалик сизларни ҳеч қачон тарк этмасин лобар сингилларим, она-қизларим!

Хонадони тинч, умр йўлдошининг муҳаббати қўридан юзлари оловланиб турган, болаларининг эркаланишларидан ўзи ҳам чойга тушган оқ қанд каби тўкилиб бораётган аёлнинг чеҳрасига боққанмисиз? Бу чеҳрада бахт боқий кўринади. Бу оловранг юздан қуёш кўр олади. Бу аёлга фаришталар суқланиб боқади. Сизга аёллик бахти, оила бахти муборак бўлгай, юртим аёллари! Илоҳо, кетмас давлатингиз — қувончингиз бўлгай!

Дунёда ҳокисорлар ичра ҳокисор, оддийлар ичра оддий, муштипарлар ичра муштипар бир зот бор. Бу — ОНА! Бу зотдан кўклам уйғонишни ўрганган. Ёз ўзига ҳароратни онадан олган. Куз мевалларига болни ҳам онадан олган. Қордаги беғубор оқлик онанинг кўнглидан, оппоқ сочларидандир. Неки бўлганида ҳам ОНА буюклар ичра буюк, суюклар ичра суюк.

Онаси эркалаётган фарзанд эса гул баргида титраб турган шабнамга ўхшайди. Зеро, ким ота-она дуосидан ширин сўз топибдики, буни инкор этса. Дунёда сўзга оҳанг берган зот ҳам онадир. Чунки, она алласидан буюк қўшиқ ҳали яратилмаган.

Бугунги Ўзбекистон оналарининг сочларини ҳар тонг ҳурлик еллари силайди. Бу еллар Оллоҳнинг меҳри бўлиб силайди. Жисман ҳурликнинг хазони, руҳан, маънан юртнинг пурвиқор тоғлари каби абадий умр кўргувчи Қодирий, Чўлпон оналарининг кўзлари не армонлар билан ёпилдийкин?

Шу боис қўлни катта очиб, озод юртимиз тупроғига тиз чўкиб худойимдан Ўзбекистон оналари бахтига кўз тегмасин деймиз.

Заминга гўзалликни баҳор етаклаб келади. Оилага гўзалликни аёл етаклаб киради. Аёл ва гўзаллик эгизак. Агарда мўъжиза юз бериб ҚУВОНЧ деган сўздан жонзот яралса-ю, унга тил ато этилса, у ўзини қаддини янада тикроқ тутиб юриш учун аёл қувончидан қарз сўраган бўлади. Боиси аёл қувончининг ўлчови йўқ. Аёл қувонса Оллоҳ қувонади. Аёл қадр топган юртда қутбарака бўлади. Файзу-тароват фаришталар этагига чирмашиб шу Ватан заминидан уларни қўйиб юбормайдилар.

Дунёда бутун бир йилни Аёллар йили деб эълон қилиниши бу бизнинг диёримиздадир.. Эзгулик, савоб, яхшилик улашишда ҳамиша катта йўлга биринчи қадам ташлаб келаётган юртбошимиз Ислом Каримов бу борада ҳам ўзларининг юксак маънавият эгаси эканликларини яна бир марта намойиш этдилар. Шунинг учун ҳам бу юртни тинчлигини бузмоқчи бўлганлар тушларини сувга айтишсин. Ўзбекистон тупроғига қадам босган қаҳрни МЕҲР ўлдиради. Чунки бу юртнинг аёлларида МЕҲРнинг ўлчови йўқ! Ўзларига тилаган жамики яхшиликларни дунё оналарига, дунё болаларига тилашади, Ўзбекистон Аёллари!

Мен шу элнинг бир қаламкаш фарзанди, Она деб қўлимни кўксимга қўйсам ич-ичимдан нурланиб бораётганимни ҳис қиламан. Муҳтарама онахонларим, меҳрибон опа-сингиллар, сизларни бахту-саодат, мени шу нур тарк этмасин. Байрам осмони осойишта элга ярашади. Сизларга ҳамиша байрамлар ярашиб юришини истайман.

Томиримни тирнар кўҳна саволлар,
Юрагимда гуллар ширин хаёллар,
Эй, сиз, ўзбекойим, офтобжамоллар,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,
Сиз атир нафасли, сиз райҳон сасли,
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Ўзбекча оҳанг бор кулгуларида,
Дурни талпинтирар ёғдуларида,
Ором ороланар туйғуларида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор.
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Офтоб ожиз асли онам олдида,
Бибихоним юрагимнинг ёдида,
Сиз яшайсиз, Моҳларойим додида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Гул узсам тутгунча қўлим гуллайди,
Мен сизга етгунча йўлим гуллайди,
Пойингизда ўлсам ўлим гуллайди,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Маҳмуд ТОИРОВ

Манзура МАДАЛИЕВА ва Онесия САИТОВА ўзаро мулоқотда

Ўзбекистоннинг Қаҳрамон аёллари

Ойшахон ҚЎЧҚОРОВА

ни мудом эъзозламоқ учун мангу безовта. Шоира Ойдин Ҳожиева буни шундай сатрларда ифодалайди:

Миллатнинг жон томири,
Сен Ватанга тимсолсан.
Юртнинг ўчмас чироғи,
Момо Ҳаво — Аёлсан.

Ойномада «Тўйлар ҳақида ўйлар» рубрикаси остида «Тўйлар, маросимлар мазмунида ҳикмат бўлсин» номли давра суҳбати эълон қилинган. Ушбу мулоқотнинг эътиборга сазовор томони шундаки, барча маросимларни ўтказишда аёлларнинг ўрни катталиги, ўта дабдаба, исрофгарчилик иллатларига аёллар қарши курашмоғи алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Она руҳи» бадиаси кишини ўйга толдиради. 70 ёшга етган адибнинг она соғинчи юракни ларзага келтиради. Ёзувчи онаси айтган алла ва қўшиқларни, эртакларни қўмсайди. Онасини нажоткор дуоларини соғинади. Ушбу соғинч, юрак дардларига айланиб қоғозга тўкилади. Адиб ўкинч билан қуйидаги сўзларни битади: «Мен ҳам энди умрнинг кўпи кетиб, ози қолганини сезаман, онам айтган дуоларни дилимда такрорлаб, оғир дамларда унинг руҳидан мадад сўрайман» деб бадиага сўнгги нуқтани қўяди. Ёзувчининг болалик оламини қўмсаши, онани улуғлаши ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

«Ётоқхона уйингдек бўлса...» номли мақоласида, журналист Дилором Исмоилова талабалар уйи муаммолари ҳақида сўз юритади. «Талабаларнинг орзулари ёруғ. Улар эртанги кун қувончини илмга ташналикда, эзгу ақда собитликда деб билишади».

Ойномадан ёзувчи Саломат Вафонинг «Ўн икки кун» номли ҳикояси ўрин олган. Ушбу ҳикоя ўзига хос, янги бир услубда яратилгани билан ўқувчида қизиқиш уйғотади. Аҳмад Нарзиқул ўғли ва Нарзулла Аҳмедовларнинг «Муаллима» номли мақоласида Самарқанд университети қошидаги лицейнинг ўқитувчиси Мамлакат Раҳимованинг янгича услубдаги ўқитиш усуллари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Миллат соғлиғига оналар масъул» номли суҳбатда Республика Педиатрия илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Маҳмудова қуйидагилар ҳақида фикр юритади: «Ахир инсон ўзини қириб ташлашга эмас, балки ўз-ўзини камолга етказишга муносибдир. Тиббиётимиз олдида турган муаммолардан бири аёл саломатлигини таъминлаш, шу йўсинда буткул соғлом жамият барпо этишдан иборат».

Ойноманинг биринчи муқовасида эълон қилинган Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султоновнинг сурати ва унинг сийрати акс эттирилган «Гўзал раққоса» мақоласи ўқувчиларни санъат ва оилада тенг бахт топган раққосага меҳру-муҳаббатини уйғотади.

Шунингдек, ойномадан афғон шоираси Шафиқа Ёрқиннинг «Ҳусн эли ичра отинг яхши» номли илмий-оммабоп мақоласи ҳам ўрин олган. Мақолада Бобурий шаҳзодалардан бири Комрон Мирзо шеърияти ҳақида сўз боради. Комрон Мирзо ижодининг нозик қирраларидан бири, аёл сиймосига бўлган меҳру-муҳаббати, эъзози атрофлича тадқиқ этилган. Шарифа Ёрқин ушбу сўзлар билан мақоласини якунлайди. «Комрон Мирзо шеъриятини ўқиган ҳар аёл ўзлигини, гўзаллигини англаб, шарқона меҳр-вафо, одоб-ҳаё каби фазилатлар инсоний камолотнинг гўзал мезонларидан эканини ҳис этади».

Ойномадан шоира Зулфия Мўминнинг «Номаълум аёл мактублари» номли гўзал асари ўрин олган. «Дунёдаги энг нозик таъб, оқ қалб аёлга, ушбу оқ гуллар. Уларни юрагимдан узиб олинган деб қабул этгайсиз» дея тугалланган мактуб, юракнинг аллақаерларида яширинган, қайғули муҳаббатни уйғотгандай бўлади.

Садағангиз кетай, яхшилар

Мен ҳозир 72 ёшдаман. II-гуруҳ ногирониман, паст бўйлилигим боис. Шу ҳолда умр бўйи ҳамшира бўлиб эл-юрт хизматини ҳалол бажардим. Беморларга малҳам бўлдим, уй бекаси сифатида аёллик бурчимни аъло даражада бажаришга уриниб яшаб келдим. Аслида пакана бўйлик инсонлар 15 йиллик меҳнат фаолияти билан 40 ёшда қарилик нафақасига чиқар экан. Аммо, мен 32 йил ҳалол меҳнат қилиб, касб аълочиси унвонига сазовор бўлдим. Ҳаёт тарзим эса енгил кечмади, тақдир экан, на илож. Ҳар хил қийинчиликлар, тўсиқларга чидашимга тўғри келди. Айниқса, ўзимга лойиқ уст-бош топишда жуда қийналдим. Шундай кунларнинг бирида «Малика» очиқ акционерлик жамияти раҳбари бўлиб ишлаб юрган Ҳасанова Ёқутхон Исмоиловнанинг қабулида бўлдим. Мени яхши қабул қилиб олдилар ва қўлимга бир пиёла чой тутқазиб, нима ниятда келганимни сўрадилар. Ҳол-аҳволимни батафсил айтиб бердим. 1991 йилдан бошлаб то шу вақтгача ҳар йили ёрдам тариқасида менга мослаб кийим-кечак тикиб беришади. Ҳамма вақт менинг кўнглимни кўтаришади. Ёқутхонга, Насибахонга ва бошқа-бошқа шу фабрикада хизмат қилиб мен учун жон куйдирганларга ўз миннатдорчилигимни газета орқали билдирмоқчиман. Оллоҳ соғлиқларини мустаҳкам қилсин ва умрлари узоқ бўлсин. 100 ёшларга кирганда ҳам бегам бўлиб юрсинлар. Ҳамма-ҳамма меҳрибон инсонларга раҳмат.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани,
Янгиобод даҳаси, Айриева кўчасидаги 101-уйда
истиқомат қилувчи ТУРСУН хола.

«Саодат»

Шу кунларда «Саодат» журналининг янги йилдаги илк сони нашрдан чиқди. Энди у миллионлаб ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланди. Ойномани варақлар экансиз, аёллар дунёсининг турли хил орзу армонларига дуч келасиз. 1999 йил Аёллар йили — деб эълон қилинди. Ўзбек аёлларининг кўзгуси ҳисобланган «Саодат» янги йилни ўзгача завқ, шавқ билан бошлаганини, ойномани варақлаган ҳар бир инсон, юрагидан ҳис этади.

«Аёл оламни гўзал, меҳрли ва адолатли қилиш учун яратилган» дея Президентимизнинг пурмаъно сўзлари билан бошланади илк саҳифа. Бош мақолада бугунги давр руҳи ўз аксини топган. Мақола қуйидаги сўзлар билан давом этади. «Мамлакатимизнинг бош раҳбари ёшларга тинимсиз эътибор бериб, уларга умид кўзини тикмоқда». Ушбу сўзлар Сени, мени уйғонишга чақиради. Ватан учун, миллат келажаги учун ёниб яшашга чақиради. Она қалби фарзандларимолари ҳақида сўз юритади. «Талабаларнинг орзулари ёруғ. Улар эртанги кун қувончини илмга ташналикда, эзгу ақда собитликда деб билишади».

Ойномадан ёзувчи Саломат Вафонинг «Ўн икки кун» номли ҳикояси ўрин олган. Ушбу ҳикоя ўзига хос, янги бир услубда яратилгани билан ўқувчида қизиқиш уйғотади. Аҳмад Нарзиқул ўғли ва Нарзулла Аҳмедовларнинг «Муаллима» номли мақоласида Самарқанд университети қошидаги лицейнинг ўқитувчиси Мамлакат Раҳимованинг янгича услубдаги ўқитиш усуллари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Миллат соғлиғига оналар масъул» номли суҳбатда Республика Педиатрия илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Маҳмудова қуйидагилар ҳақида фикр юритади: «Ахир инсон ўзини қириб ташлашга эмас, балки ўз-ўзини камолга етказишга муносибдир. Тиббиётимиз олдида турган муаммолардан бири аёл саломатлигини таъминлаш, шу йўсинда буткул соғлом жамият барпо этиш-

Ушбу сонга ўзгача файз киритган дилбар шоира Қутлибека Раҳимбоеванинг дил тортар, долзарб суҳбатлари ҳар биримизни ўйга толдиради.

Шунингдек, шоир Миразиз Аъзам таржимасидаги атоқли турк адиби Аҳмад Шоҳиннинг «Оила ҳаётимиз» китобидан олинган парча, шоиралар Ҳуршида ва Каромат Остонова, Дилором Абдураҳмонова шеърлари, журналистлар Холтош Усмонова, Раҳима Шомансуроваларнинг мақолалари шубҳасиз ҳаяжон билан ўқилади.

Ойноманинг сўнгги варағини ёпишга чоғланиб яна бир ҳайрат олдида лол қолдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, бастакор Шоҳида Шоҳимардонованинг мусиқа яратиш ором ва изтироблари ҳақидаги сўзларига яна бир бора кўз югуртирдим.

Ойноманинг охирги саҳифасидан Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаров суратлари жой олган.

Фаруҳ ҲАМРОЕВ

Ватан тарихи — зарурат

Хатирчи туманидаги Ойбек номли 18-ўрта мактаб директори, Халқ маорифи аълочиси Замира Муродова билан суҳбат



— Ўқувчиларга тарих фанидан дарс берар экансиз. Дарс ўтишга раҳбарлигингиз дахл қилмайдими? Чунки, директорни ҳам қиладиган ўзига яраша ишлари кўп?

— Ҳаммасига улгураман. Шу фанни жуда яхши кўрганим учун иложи борича Ватанимиз тарихи ҳақидаги билимларни ўқувчиларга етказмасдан туролмайман.

Ўз фанимдан дарс ўтмаслигим, балиқни сувдан ажратиб қўйишга ўхшайди. Бусиз қийналаман;

— Ҳамкасабаларингиз дарс бериш услубида ҳаммамиз шу аёлдан ўрнак оламиз, тажриба алмашгани ҳатто қўшни мактаблардан ҳам келишиб, шу кишига учрашиб кетишади, деб сизни кўрсатишяпти. Ўқитиш услубингизда янгилик яратган бўлсангиз керакки, сизга кенг ўқитувчилар даврасининг ихлоси баланд.

— Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари эрталаб «Ахборот» соатида мунтазам воқеа ва ҳодисаларни шарҳлаб бераман. Бу янгилик эмас. Лекин «Ахборот» соатини қандай ўтишга боғлиқ. Сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар ва янгиликлардан ўқувчиларни бохабар қиламан. Фақат юртимиз ҳақидаги ахборотлар билан боғланиб қолмасдан хорижда бўлаётган муҳим воқеаларни айтаман. Бу жараён ўқувчилар ўртасида жонли кечади. Чунки, уларнинг ўзларидан ҳафта давомида бўлган янгиликларни сўраб олмасам, минг тушунтириб, шарҳлаганим билан бу нарсага қизиқ-қанлари қизиқиб, қолганлари бошқа хаёлда ўтираверадилар. Агар уларнинг билимдонларини рағбатлантириб борсам, қизиқишлари ортиб, дунёқарашлари кенгаяверади. Қизиқиши йўқ ўқувчилар билан ҳам алоҳида ўтириб, олдиларига қатъий топшириқлар қўяман. Шу топшириқларимнинг учқуни чиққудай бўлса, мақтовларга кўмилишади. Натижада кўплари аввалги аълочи ўқувчилар билан рақобат қилишяпти.

— Дарс-чи? Душанбадан бошқа кунлар ўқувчилар аниқ ва гуманитар фанларда мунозаралашмайдиларми?

— Ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатаман. Ўтилаётган дарсга алоқаси бўлмаган саволларга ҳам эътибор қаратаман ва уларнинг ўзига, ўхшатишлар билан тушунарлироқ ифодалаб шу саволларни қайтараман. Муҳокама вақти барчаларини фикри билан қизиқаман.

— Ўқувчилар бўш вақтда нима қилишади?

— Мактабимизда спорт иншоотлари бор. Тўгараклар очиб қўйилган. Яқинда тўгараклар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз. Чет тилидан ўқитиш ва ўргатиш соатларини кўпайтириш зарур. Шу билан бирга тарих тўгарагини очиш керак. Чунки, Ватанимиз тарихини билмаслик — ўзини билмасликдир. Ўзини билмаслик — залолат.

Шукур ЖАББОРОВ
суҳбатлашди

Ҳаёт ва тақдир

Дийдорлашув

Самолёт Жидда аэропортига келиб қўнганида вақт аллама-ҳал бўлишига қарамай у ер одамлар билан гавжум. Ҳамманинг чеҳрасида қувонч. Кимдир илк ҳаж сафарини адо этаётганидан шодлиги чексиз бўлса, кимдир янги сафар таассуротлари ҳақида ўйларди.

Назира опа ҳам илк марта ҳаж сафарини адо этаяпти. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, тақдир унга шундай кунни раво кўрди. Аммо бундан бир неча йиллар муқаддам Жидда шаҳрига келиб қолган аммаси Маҳбуба аяни топа оламанми, деган ўй унга бир зум тинчлик бермасди.

Макка шаҳрига етиб келишгач, «Қудай» меҳмонхонасига жойлашишди. Меҳмонхона ҳам одатдагидай гавжум.

— Опа, сиз кимни қидираяпсиз? — деди меҳмонхона нозири.

— Аммам Маҳбубани. Ўғлининг исми Файзулло. Бухородан келишган.

— Ҳа, танидим Файзулло тижоратчими?

Аянинг кўзларида қувонч порлади: — Ростдан танийсизми, ўғлим?

— Ҳа, у киши эътиборли кишилардан. Файзулло билан бирга ишлаганмиз. Сизга уларни топишда албатта кўмаклашаман.

— Илоҳо барака топинг, — аянинг кўзларида севинч ёшлари халқаланди.

Эртасига улар Маккайи Мукаррама зиёратига йўл олишди.

Кечга яқин Назира опа меҳмонхонага равона бўлар экан, уни бир аёл сўраб келганини, эртасига албатта келишини айтишди.

Меҳмонхонада хаёл оғушида ўтирган опани бир аёл пастда кутаётганини айтишганда лифтга ҳам қарамай шоша-пиша зинапоя орқали пастга туша бошлади.

Назира опа пастдаги залда ўтирган қора чодрали аёлга пешвоз чиқди. Меҳмонхона эшиги ёнига келиб тўхтаган машинадан оқ шоҳи рўмол ташлаб олган, қадди бир қадар букчайган кекса аёл тушиб кела бошлади.

— Аммажон, сизни ҳам кўрар кун бор экан.

— Жигаргўшам, жиянгинам! — Аёл кўзларидаги ёшни тия олмас, Назира опани қучганча тинмай йиғларди. Маҳбуба Назира опанинг якка-ю ягона аммаси. Шўро инқилобидан сўнг Маҳбубанинг турмуш ўртоғини жадидчи сифатида бир кечада қатл этиб кетишди. Улар оиласининг ҳаёти хавф остида қолади. Тун ярмидан оққанда Маҳбуба ўғли Файзулложон, онаси ҳамда отаси Арабистоннинг Жидда шаҳрига қараб йўл олишади.

Жияни билан учрашгандан сўнг, орадан икки йил ўтгач, 70 йиллик айриликдан сўнг Маҳбуба опа Бухорога келади. Аянинг илк марта айтган сўзи шу бўлди: «Ҳеч ким Ватанидан жудо бўлмасин. Ватандай муқаддас, Ватандай улуғ жой дунёда йўқ!».

— Мен тақдирга минг бор шукроналар айтаман, — дейди Назира опа. — Отамнинг руҳларини шод этганимдан мамнунман. Ана шундай бахтли, умидбахш кунларим мустақиллик туфайли рўёбга чиқди. Юртимиз тинч, элимиз бундан ҳам маъмур бўлсин. Мустақиллигимизнинг янада мустаҳкам бўлишини ҳаж сафарини адо этаётганда Оллоҳдан қайта-қайта илтижо қилиб сўрадим.

Инобат ОЧИЛОВА

Демократиялашув жараёнларининг ҳуқуқий пойдевори

мамлакатимизда тобора мустаҳкамланмоқда,
деб таъкидланди, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан, яқинда ўтказилган «давра суҳбатида».

Унда иштирок этган Олий Мажлис депутатлари — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А. Саидов, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти директори А. Турсунов,Ўз ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов ҳамда ЎзР Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Р. Рўзиев ва бошқалар диққат-марказида парламентнинг XIII сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари бўлди.

Суҳбат иштирокчилари мазкур қонунлар лойиҳаларини асосан маъқуллаб, уларни такомиллаштиришга оид ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, қатор

ХДП хабари

таклифларни киритдилар. Нотиқларнинг фикрича, ушбу қонунлар лойиҳалари, умумхалқ муҳокамаси давомида билдирилган истак ва таклифлар ҳисобга олиниб, меъёрига етказилгандан кейин, қабул қилинсалар, мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган демократиялашув жараёнларининг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашга, шубҳасиз жиддий ҳисса бўлиб қўшиладилар.. Шу муносабат билан мулоқотда Тошкентда юз берган фожиали воқеа ташкилотчиларининг мақсадларидан бири ҳам Ўзбекистонни демократик тараққиёт йўлидан оғдириш, уни ортга қайтаришдан иборат эканлиги эслатилиб, ёвуз кучларнинг ўз қора ниятларига ҳеч қачон етмасликларига қатъий ишонч билдирилди. Шунингдек, суҳбатда «Халқ сўзи» газетасида (27 февралда,) эълон қилинган «Февраль воқеалари» сарлавҳали таҳлилий мақоланинг мазмуни маъқулланди.

«Давра суҳбатида» қонунлар лойиҳалари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар умумлаштирилиб, Олий Мажлис Котибиятига юборилади.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари масъул ходимлари ва пойтахт туманлари партия кенгашларининг биринчи котиблари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Жазодан қочиб қутулолмайдилар

Қадрли Президентимиз! Сизнинг юрт ишқида айтган сўзларингиздан дилим равшан тортади. Айниқса, ёшлар ҳақида айтган гапларингиз кучимга-куч қўшади. Мен бир қизингиз сифатида фарзандлик меҳри билан ишончингизни оқлашга, келажакда юрт ва халқ хизматида бўлишга астойдил ҳаракат қиламан. Бўлиб ўтган февраль воқеалари бизни янада ҳушёр торттирди. Энди зийраклик билан ўқишга, илм олишга, муҳими ахлоқли ва интизомли бўлишга зўр берамиз. Биз бутун синфимиз билан февраль воқеалари ижрочилари ва ташкилотчиларига қаттиқ жазо берилиши, уларни халқимиз олдида жавоб беришлари тарафдоримиз.

Машҳура СОДИҚОВА,
Зомин туманидаги 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Хоинларга шафқат йўқ

Мард йўлбошчимизни яратганнинг ўзи асради. Нохуш воқеа содир бўлган пайтда юртбошимиз мустаҳкам иродали инсонлиги билан, халқи ва Ватанига содиқлиги билан ибрат бўлдилар. Барчамизни жипсликка даъват этиб, тўғри йўлни кўрсатдилар. Биз кўпни кўрган кексалар, фаоллар билан маҳаллаларга бордик. Ҳамюртларимиз мамлакатимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишга, Президентимиз амалга ошираётган тинчликсевар сиёсатни, бунёдкорлик ишларини қўллаб -қувватлашларини билдиришди.

Ёвуз кучларнинг қора ниятлари албатта пучга чиқади.Биз ўз Президентимизга ишонамиз. Ватан хоинларидан нафратланамиз. Улар муҳаққақ жазодан қочиб қутулолмайдилар. Шафқатсиз жазога тортилишига ишонамиз.

Низомжон ҚОДИРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси Шаҳрихон тумани бўлими раиси.

Жабрдийдаларга ёрдам

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоасининг 16 февраль куни Тошкент шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари муносабати билан йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар бу манфур жиноят эрк, мустақиллик ва халқимиз йўлбошчисига қарши қилинган тажовуз эканлигини таъкидлаб, ғаламисларга қарши ўз қаҳр-ғазаб ва нафратларини изҳор этдилар. «Халқ сўзи»да чоп этилган «Февраль воқеалари» мақоласида таъкидланганидек, халқимиз қадр-қимматини ерга урмоқчи бўлган бундай ватанфурушларга қарши якдил ва ҳамфикр эканликларини билдирдилар.

Фожиа туфайли жабрланганларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ходимлари ўзларининг икки кунлик иш ҳақини «Ўзуйжойқурилишжамғармабанк»нинг меҳнат бўлимида очилган махсус ҳисоб рақамига ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзА)

Луқма

Судья Қонунни билармиди?!

Шу йил 4 март куни Тошкент шаҳар судида судья Зокир Исматуллаев раислигида суднинг навбатдаги очиқ мажлиси ўз ишини бошлади. Суд ишига таъсир ўтказмаслик учун у ҳақда гапирмаймиз. Маълумки, очиқ суд мажлисида нафақат журналист, балки бошқаларнинг ҳам иштирок этишига мавжуд қонунларимиз йўл қўяди. Бироқ, негадир судья З. Исматуллаев очиқ суд мажлисида журналист қатнашаётганини билгач, бирдан тутақиб кетди. Журналистдан ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатишни талаб қилди. Кўргач эса бош муҳаррирга хат ёзишини, юмшоқ қилиб айтганда, овозини баланд қўйиб, айтди. Журналист «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонундан журналистнинг очиқ суд мажлисида иштирок этиши мумкинлиги ҳақидаги айрим кўчирмаларни судьяга кўрсатишга мажбур бўлганида жавоб ундан-да антиқа бўлди: «Бу Қонунга мен ҳам ўз фикримни билдирганман, мақолам газетага чиққан. Суратим билан чиққанман». Судьянинг Қонунга бўлган бундай юзаки муносабатини изоҳлаш ҳам ортиқча.

Журналист томонлардан бирининг (судга таъсир ўтказмаслик учун аниқ келтирмаймиз) сўзларини диктафонга ёзиб олаётганди. Буни кўрган судья, диктафонга нимани ёзиб олдингиз, қўйиб беринг, деб туриб олди. Журналист судья билан қаттиқ қаршиликка бормаслик учун ёзилганларни қисман эшиттиришга мажбур бўлди. Энг қизиғи шундан кейин бошланди. Судья энди журналистдан, диктафонга ёзган нарсаларингизни ҳозирнинг ўзида ўчириб ташланг, деб талаб қилиб туриб олди. Орада шундай вазият юзага келдики, буни талаб эмас, журналистга тазйиқ ўтказиш, журналистлик фаолиятига аралашиш, дея изоҳласа тўғри бўлади. Бунинг учун эса «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-модда («Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик») 5-бандига кўра жавобгарликка тортилиш белгиланади.

Юқорида келтирилган Қонуннинг 5- модда («Журналистнинг ҳуқуқлари») 8- ва 9- бандида: «...маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан **зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш; судларнинг очиқ мажлисларида... ҳозир бўлиш»** журналистнинг ҳуқуқлари сифатида белгилаб қўйилган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-модда («Журналистик текширув»)сида шундай белгиланади: «Таҳририят ходими мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеа, ҳолат ёзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда аудио ва видео техникадан фойдаланишга ҳақли».

Бироқ, судья журналистдан суд залидан чиқиб кетишини қайта-қайта талаб қилиб туриб олди. Журналистнинг келтирган далиллари — суд мажлиси очиқ эканлиги, қонунларимизнинг бунга йўл қўйиши, лозим бўлса, диктафон ишлатмаслиги ҳақидаги гаплар судья учун етарлидек туюлмади. Тўғри, «Жиноят процессуал кодекси»нинг 19-моддаси 7-бандида: «Суд залида овозларни ёзиб олиш...га фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади» дейилади. Лекин бундан журналистни истисно қилишга тўғри келади. Чунки унинг бу ҳуқуқлари кейинги «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда акс этган. Ушбу моддада журналист истисно қилинмаганлигининг сабаби эса ЖПКнинг журналистлик фаолияти тўғрисидаги қонундан олдин қабул қилинганлигида. Аслида олинги қонунлар кейингисига мослаштирилиши керак. Бу секин-аста амалга ошади. Аммо судья буни билиши керак-ку?! Президентимиз Ислом Каримов 1998 йил 9 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида қонунга зид ҳаракатларнинг: «Қолаверса яна бир сабаби — янги қабул қилинаётган қонун ва фармонлар, демократия ва адолат талабларини менсимасликда, бугунги ҳаётимиздаги ўзгаришларни ҳис этмасликда, камситишдадир», — дея қатъий уқтириб ўтган эдилар.

Энди бир савол туғилади: судья Зокир Исматуллаев « бу Қонун ҳақида газетада мақола (сурати) билан чиққан» экан, мазкур қонуннинг шундай ўринлари борлигини ҳам билармиди?!

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири

Бошда дўппи билан дунё кезаётган ўзбегим

Бундан 10-15 йил аввал ўзбек сайёҳи дунё кезишини тасаввур қилишнинг ўзи хомхаёл эди. Эндиликда эса халқимиз қалбининг қат-қатида мудраб ётган орзу-умидлар, ўй-режалар рўёбга чиқмоқдаки, буни ўз кўзимиз билан кўриб, бевосита иштирокчиси ва шоҳиди бўлиб турибмиз.

Бир гуруҳ ўзбекистонлик альпинистларнинг дунё томи — Эверестга кўтарилиб, унинг энг баланд чўққисига республикамиз байроғини қадаганликлари, спортчиларимиз жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаётганликлари, саънаткорларимиз Халқаро кўрик-танловларда фаол қатнашаётганликлари, бошқа соҳаларда ҳам етти иқлимга танилаётганлигимиз мустақиллигимизнинг тотли меваларики, булар — ҳаммамизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади.

Жаҳонгашта Мурод Қосимов эса республикамиз довруғини достон қилаётган кўплаб ватандошларимиздан бири. Сафарга чиққан биринчи кунидан то ҳозиргача 14 минг километрдан зиёд йўл босди. Ўз юрти — Ўзбекистон ҳудудидан бошлаган сафарини Туркманистон, Озарбойжон, Арманистон Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони мамлакатларида давом эттириб, бошда дўппи, қўлда мустақил Ўзбекистон байроғи билан Миср Араб Республикасига кириб борганига ҳам салкам бир ой бўлди.

— Она шаҳрим — Тошкентда бўлиб ўтган мудҳиш воқеани Қоҳира телевидениеси орқали кўриб, қаттиқ ларзага тушдим, — дейди Мурод Қосимов телефон орқали боғланиб. — Ўтган олти ой мобайнида дунёнинг қайси мамлакатида бўлмай, ҳамма ерда жаҳонга юз тутган республикамизга ҳурмат ва эҳтиром, эътибор ниҳоятда катталигига гувоҳ бўлдим. Айтмоқчиманки, Тошкентда февраль воқеасини содир этганлар Ўзбекистонимизнинг обрўси тобора ошиб бораётганлигини кўролмаган бир гуруҳ аламзадалар, ҳасадгўйлардир. Лекин улар халқимизни танлаган йўлидан асло қайтаролмайдилар.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ



Суратда: сайёҳ Миср эҳромлари олдида.

Қатралар

Кўнгил

Тонгда танишимни учратдим. Кўчанинг одами эмасмизми у билан тузуккина қадрдонмиз. Юзини юзимга қўйиб саломлашди. Ишимдан, ижодимдан сўради. Лутфу такаллуфи чандон бўлди.

Аммо... Аммо ёнгинамда саломига алик кутаётган ўғлимга қараб ҳам қўймади у.

Кўнглимга келди...

Масофа

Сиз айтган гапга қўшилолмадим. Кўпинча шундоқ бўлади. Дилимдагини айтишдан тортинаман. Гарчанд биз яқинмиз. Яқинмизу орамизда бир парда қалинлигида масофа бор. Мен шу оралиқ узоқлашиб кетишини хоҳламаганимдек, масофанинг буткул йўқ бўлишини-да асло истамайман.

Ҳикмат

Уни кўпдан бери биламан. Яқиндан эмас, шунчаки танийман. Юртгарчилик экан кунда бўлмаса ҳам кун ора учрашиб қоларамиз.

Ҳар гал у билан кўришгач, ғалати ҳолга тушаман, дилим танг бўлади. Йўқ, у менга ёмонлик қилмаган. Яхши сўз демаганидек ножоиз сўз ҳам айтмаган. Фақат юзидаги тундлик ботади менга.

Саломимга алик олмаса нима, дейману қорасини кўрсам юрагим безиллайди.

Кексаларнинг «очиқ чеҳра бўлишликда хосият кўп», деган гапларини эслайман. Бу гапдаги ҳикматни ҳис қиламан.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Дўстлигимиз қанот ёзмоқда

Жаҳон тиллари университети немис филологияси факультети билан Австриянинг Таълим ва маданият вазирлиги, Вена университетининг Германистика институти, Австрия академик айрибошлаш хизмати каби қатор ташкилот ва ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган эди. Бундай алоқаларнинг самарасини аввало университет профессор-ўқитувчилари Австрия олий ўқув юртларида ўтказилаётган Халқаро конференция ва семинарларда иштирокида, аспирант ва талабаларнинг эса ўз билимларини ошириш учун турли муддатларга Австрия университетларига таклиф этилаётганида кўрамиз.

Яқинда Австрия Таълим ва маданият вазирлиги ЎзДавЖТУ немис филологияси факультетига мингдан ортиқ китоблар, видео ва аудио кассеталарни совға қилди.

Комилжон ҚИЁМОВ,
талаба

Журналист текшируви

Қачон ўзбекча гапирамиз?

Ер юзидаги туркийзабон халқлар ичида энг бой, жарангдор, инсоний туйғу ва фикрларни ифодалай оладиган ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам оз эмас, ўн йил бўляпти. Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши ва ўзбек тили муҳофазаси борасида қилинган ва олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб қониқиш ҳосил қилсангда, ҳали ҳам муаммолар борлиги, жойларда қонуннинг қўпол равишда бузилаётганини кўриб ранжийсан.

Биргина мисол, Жиззах пластмасса очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини олайлик. Тўғри бугунги кунда корхонанинг эришаётган ютуқлари ва халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини ҳеч ким инкор эта олмайди. 15 миллат вакиллари меҳнат қилаётган бу жамоада Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш учун тузилган тадбирга кўра корхонанинг барча бўлимларида ўзаро ёзишмалар, ҳисоб-китоб ишлари, ҳисоботлар топшириш ишлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатлари Давлат тилида олиб борилишини таъминлаш уқтирилган. Афсуски, бу тадбир ҳозир ҳам фақат қоғоздагина аҳамиятли бўлиб турибди. Корхона раҳбарининг котибасига «Ассалому алайкум», деб салом берсангиз, «Добрый день» деб жавоб қайтаради. Бошлиқнинг олдига кирсак бўладими, деб сўрасангиз, «Во время планерки нельзя, унас такой закон», дейди. Биз котибанинг оғзидан бирорта ўзбек талаффузидаги сўз чиқармикан, деб анча кутиб ўтирдик, лекин, на телефондаги мулоқотда, на қабулхонага кирган мижозларга ўзбекча жавоб бермади. Демакки, котиба шундай экан, раҳбари қандай экан! Корхонада иш юритиш-чи? Тадбирда ҳамма нарса ўзбек тилида амалга оширилади дейилган, бунга мутасадди қилиб, ҳуқуқ бўлими, маънавият маркази, касаба уюшмаси сафарбар этилган-ку! Кадрлар бўлими бошлиғи Жумагул Субҳонқулова саломимизга ҳар ҳолда ўзбекча алик олди! Аммо бўлимда чиқарилаётган фармойиш, аризалар ҳам Қонун талабларига жавоб бермайди. Масалан, экскаваторчи вазифасига қабул қилинган Шавкат Жабборов ўзбек бўла туриб, аризани рус тилида ёзган. Корхона раҳбари Улуғбек Фаттохович Алиев ҳам аризага «Отдел кадру, в приказ» деб имзо қўйган. Бу ҳам майли, 1998 йил, 17 декабрда ариза ёзган Шерали Ғозиевда тилига садоқат бор экан, ўзбекча битибди. Лекин раҳбар «ОК, в приказу» деб имзо чекибди.

Бу қандай гап, нахотки, кадрлар бўлимига, буйруқ чиқаринг, деб ёзиш қийин бўлса?! Йўқ қийин эмас, гап масалага бефарқ қаралишда. Натижада миллий ғурур топталиб, бюрократларча иш юритиш давом этмоқда. Биз Давлат тилига етарлича аҳамият берилмаётганлигини корхонага кираверишдаёқ сезгандик. Идоранинг иккинчи қаватига чиқавершдаги деворга осилган кўргазмага «Трибуна правоведа» деб ёзилгани ҳам диққатимиздан қочиб қутулмади.

Корхона раҳбари Улуғбек Алиев мақсадимизни билгач, давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилишида катта муаммолар борлиги ҳақида гапирди. У, хусусан, корхонанинг юқори ташкилотлар билан ёзишмалари ҳамон рус тилида олиб борилаётганлигини яширмади ва фикрининг исботи сифатида бир қанча расмий хатларни кўрсатди. Ҳа, корхона республика кимё саноати ассоциацияси, вазирликлар, қўшма корхоналар билан ёзишмаларини рус тилида олиб боради.

— Соҳамиз учун луғат зарур, — дейди корхона раҳбари. Терминлар, атамалар асосан рус ва хорижий тилларда. Уларни таржима қилиш қийин, шунинг учун биз осонини кўзлаяпмиз.

— Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш тадбирларида корхонада ўзбек тилини яхши билмовчи бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўқитиш курсини ташкил этиш зарурлиги таъкидланган-ку, — деб эътироз билдирамиз.

— Ишлаб чиқариш масалаларига бағишланган йиғилишлар бизда рус тилида ўтаяпти, — тан олади раҳбар. Мен уларга ўзбек тилида масаланинг моҳиятини тушунтиролмайман.

Демак, корхонада Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши назорат қилинмаяпти. Бу ишларга мутасадди бўлган корхона маънавият-маърифат маркази раҳбари Саидаҳмад Бурхонов тузилган тадбирларни амалга оширолмаяпти. Рус тилида ёзилган тавсиянномалар, кўрсатмалар, буйруқ ва қарорлар ҳамон устувор бўлмоқда. Қонун ўз йўлига, иш ўз йўлига қабилида иш тутилаяпти.

Ўзбек тилига Давлат мақоми бериш ҳақидаги Қонуннинг бажарилишини Жиззах шаҳрининг ташқи қиёфасига қараб турли фикр ва мулоҳазаларга бориш мумкин. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ шаҳарда бирмунча ишлар қилинди. Лотин алифбоси асосида ёзилган сўзлар ўзбек алифбосига қўникма ҳосил қилишига кўмаклашаётгандай.

Лекин айрим пешлавҳа ва шиорларда имловий хатолар борлиги ишга яна бир бор жиддий киришишни талаб қилади. Шаҳар кўчасига ўрнатилган шиорда «гавҳар» сўзидаги «х» ҳарфи ўрнига «х» ҳарфи ишлатилганлиги туфайли қўпол хатога йўл қўйилганди. Бирорта шиор ёки ибратли сўз шаҳар ҳудудига қўйилар экан, у аввало обдон текширилиши, тўғри эканлиги кафолатланиши зарур. Юқоридаги лавҳада чаласаводлар қош қўяман деб кўз чиқарган эдилар.

«Қаддинг **қотар** энди қадим, Туроним,
Менинг **говхар** элим, ҳур Ўзбекистоним»

Бу шиор 1998 йил давомида «Торговый, бытовой Зебо» дўкони, «Автозапчасти», «Чехол» каби русча сўзлар гуручнинг орасидан чиққан тошдек кайфиятингизни бузади. Тошлоқ чойхонаси рўбарўсидаги емакхона пештоқига «Иссиқ балиқ», деб ёзиб қўйилибди. Уни кўрган ҳамроҳим роса қорнини ушлаб кулади. Ҳеч замонда иссиқ балиқ ҳам бўладими, ахир бу жонивор кечаю кундуз совуқ сувда сузади-ку! Энди ҳар бир нарса ҳам эви билан-да! Ёки тилимиз шунчалик қашшоқлашганми?! Нахотки қовурилган балиқ деб ёзиш имкони бўлмаса? Йўқ бизнинг тилимиз қашшоқ эмас, бу чаласаводликдир.

Халқимизда номни жойнинг ўзи қўяди деган гап бор. Яқинда катта ўзбек тракти ёқасида қурилган чойхонага «Кўк гумбаз» номини қўйишди. Чойхона раҳбари Тошпўлат Ўринбоевга нега ё отангиз, ё фарзандингиз номини қўяқолмадингиз деб синовчан савол берганимда, бу ердан буюк соҳибқирон Амир Темур ўтгани, гумбаз қурдиргани ҳақида гапириб, тарихга ҳурмат нуқтаи назаридан шундай номлагани ҳақида гапирди. Ибратли фикр. Сир эмас, тижоратчиларимиз қураётган биноларни номлаш учун ҳозир ўзибўларчилик ҳолатларини қилиб ётишибди. Номлар шунчалар кўпайдики, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Афтидан жойларга ном берадиган ташкилотлар масалага аралашмаса бўлмайдиганга ўхшаб қолди.

Тилимизга Давлат мақоми берилганига мана кам эмас, ўн йил бўлаётган экан, нутқ маданиятига эътибор бермасак бўлмайди. Ҳали ҳам жамоат жойларида, оммавий транспорт воситаларида тилни чайнаб, янтоққа судраб, фикрини айтолмаётган кимсалар учраб туради. Тилга эътибор элга эътибор деган гап бор. Бирор фикрни айтишдан аввал уни ақлда пишириб, кейин тилга келтиришни доноларимиз қайта-қайта уқтиришган. Собиқ иттифоқ даврида ўзимизда бўлатуриб, тилимизга атайлаб русча ёки интернационал сўзларни қўшишга мажбур эдик. Мустақиллик туфайли соф ўзбек тилида гапириш имконига эга бўлдик. Биз бунинг қадрига етишимиз керак. Унутмаслигимиз керакки, «ул мамлакатни яккалам айлаган», «тилимизни таҳқир ва ҳақорат ботқоғидан шеърият осмонига кўтарган» буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари турибдилар. Унинг мақолга айланиб кетган «Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз» деган нақлини унутишга ҳаққимиз йўқ!

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Баҳор қушларига бағримни очдим

Қизлар мушоираси

Юртбошимизга

Минг шукрки, Оллоҳ ўзи асради Сизни!
Асради-я, кўзга суртган тинчлигимизни,
Мустақиллик насиб этган ҳур эркимизни!
Тақдир синаб кўрдимикан, бирлигимизни?

Кўп ўксиманг, ёвузларнинг бу қилмишидан,
Бундан оғир кунлар ўтган халқ кечмишидан.
Бу қабоҳат бирлаштирди янада бизни,
Яна кўпроқ қадрлашга ўргатди Сизни.

Сиз билингки, бошингизда ҳар бир тола соч
Халқ учун зар, йўқ қилолмас ғанимлар ҳеч вақт!
Халққа фидо қилаётган азиз жонингиз
Халқимизга мустақиллик бирла келган бахт!

Сизнинг жонга минг жон фидо айлар халқимиз,
Онахонлар умр сўрар кечаю кундуз.
Ёш авлодлар умид билан Сизга тиккан кўз,
Сиз бошлаган ҳақ йўлига бизлар тайёрмиз!

Маърифату ақл-идрок таянчдир бизга,
Ишонамиз, суянамиз бу йўлда Сизга!
Бирдамликда биз тинчликни сақлаймиз! Зинҳор,
Суқилмасин орамизга ёвуз бадкирдор.

Бошлайверинг бизни йўлга, орқангизда халқ!
Олдинда-чи, Сизга қалқон ўзи Жаноб Ҳақ!
Қалқон бўлсин юртимизнинг мард ўғлонлари!
Дармон бўлсин оталарнинг дуо-жонлари!

Қувват берсин ёш авлоднинг ғайрати, кучи,
Таянч бўлсин халқимизнинг буюк ишончи!

Доно ЗИЁЕВА

Онажон

Соғинчимнинг ранглари сариқ,
Орзуимнинг юрак-бағри хун.
Юрагимга қил сиғмас бугун,
Шод кўнглимнинг осмони дилхун.
Онажоним сизни соғиндим...

Киприкларим оғир олар тин,
Бардош тугаб бўлиб қолдим тош
Ўлкам узра эй фасли олтин.
Соғинчимни онамга етказ.

Туш кўраман тушимда онам,
Мунгли кўзин қадаб туради.
Олис-ўша юртдан туриб у,
Менга бахтлар тилаб туради.

Муҳаббат ҲАМРОЕВА

Баҳор қушлари

Баҳор қушларига бағримни очдим,
Қизғалдоқ-ла сирлашдим қирда.
Жануб қушларига боримни сочдим,
Ёлғизгина қолдим кузги ёмғирда.
Балки хато қилдим, буюк бир хато:
Унутдим сизларни, эй, доимий чинор,
Ўткинчиларга алмашдим Сизни,
Ўтроқ қушларга бермай эътибор!..

* * *

Сувдаги ўрама — ажиб ҳодиса,
Гўзал рақсига ҳавасинг ортар.
Лаззатли ёлғизликка ўхшайди улар —
Яқинлашдингми домига тортар...

* * *

Тонгги шафақдан бир кўйлак тикдим,
Уфқни чатдим этакларимга.
Офтобни қадагач мағрур кўксимга...
Ишоняпсизми тўқиган «эртак»ларимга.
Чашмадан чиройли чўнтаклар тикдим,
Белимга белбоғдир бир неча чинор.
Ватаним кичик сувратидир бу
Ифтихорга лойиқ ажиб юртим бор!!!

* * *

Тушларимга ҳам инонмам энди,
Қулайверсин кўрпалар тахидан бир-бир...
Турган чойшаб ҳеч нарса эмас —
Келмадингиз, келмайсиз — бари ёлғондир...

Клара ТОЖИБОЕВА

Юр кетамиз йироқларга

Ким бўлсанг ҳам юзингда ҳаё бўлсин,
Ошиқ бўлсанг кўнглингда вафо бўлсин.
Имкон менда дея катта сўзлама,
Кам сўзингда кўп вазн, маъно бўлсин.

* * *

Соғинганман, сенинг ширин сўзларингни,
Икки оташ ўтдек ёнган кўзларингни.
Эркаловчи нигоҳингни, кўзларингни,
Юр, кетамиз йироқларга, йироқларга.

Топгаймисан, яна мендек девонани,
Сенга асир, ҳар сўзингга гирёнани.
Етар энди, тўлдирмагин паймонани,
Юр, кетамиз йироқларга, йироқларга.

Эрта не бўлади — билади Оллоҳ.
Сўнгги пушаймонлар бўлолмас паноҳ.
Сўзимга ҳаётнинг ўзидир гувоҳ,
Юр, кетамиз йироқларга, йироқларга.

Мудом бир оташда ёнолмас қалблар,
Сўнар эҳтиросдар, сўнар оловлар.
Ғаниматдир, инон, бу ширин онлар,
Юр, кетамиз йироқларга, йироқларга.

Алам

Ахир, аминман-ку, унутилдим-ку хиёнатига,
Ахир, алдандим-ку, унутилдим-ку.
Ахир, борлиғимни бахш этиб унга,
Эвазига фақат кўзёш олдим-ку.

Наҳотки, мен ундан нафратланмасман,
Наҳот, шундан сўнг ҳам кечира олсам?
Наҳотки, умрбод умид узолмай,
Наҳотки, наҳотки севолсам жондан?

О, сиз қалбнинг сирли торлари,
Наҳот, узилмайсиз шунча тортилиб,
Наҳот, ишқ куйини чаласиз яна,
Шу шармисорликни бўйинга олиб.

Қани эй, бош кўтар қондаги ғурур!
Токи паноҳингда топайин мадад,
Токи барҳам топсин алданган ҳислар,
Токи унутайин, ёд этмай абад.

Азиза НЕЪМАТОВА

Кузатиш

Субҳидамда йўлга чиқдингиз,
Елкангизда сафар жабдуғи.
Хайр деди нигоҳингиз жим,
Юрагимда ҳижрон андуҳи.

Тақдир экан, бўйсундим, нетай,
Дилим вайрон, дилимда ҳадик.
Икки йилку бир зумда ўткай,
Қандай яхши, биз бирга эдик.

Эрмак билган болалик ўтди,
Сиз ватанга посбонсиз бутун.
Остонадан хатлади бўйим,
Токчаларда бўғчалар тугун.

Менку сизни кутиб яшайман,
Онам ўзинг биласан деди,
Олисларда мени унутиб
Қўймасангиз бўлгани эди...

Саида БОНУ

Қофиялар

Дунёдаги энг нозик гуллар
Кўнглим булоғин бўйида гуллар

Унга олиб боради йўллар
Гар йўлларни юраклар йўллар

Етолмайди узайган қўллар
Магар шайтон узмаса қўллар

Ҳақиқатнинг васлига улар
Етиб бир кун ўзларин улар

ГУЛШАН

Кўнгил

Кўнгил нима ўзи, биллур бир шиша
Дарз кетса тузатиб бўлмайди ҳеч-а
Беш кунлик ўткинчи ёлғон дунёда
Дўстингни дилига озор етказма
Биллур нозик эрур тузатиб бўлмас,
Хиёнатдан умр бўйи қутилмас.

Гавҳар РАҲИМОВА

Соғ бўлинг, Сайёралар

... Хотин-қизларга ҳар қандай либос ярашади. Айниқса, улар ички ишлар ходими формасини кийганда очилиб кетадилар. Аёлларга хос латофат, ширинсўзлик, очиқ чеҳра, гўзалликни машаққатли касб ташвишлари ҳам яшира олмайди...

Сайёрахон Мадримова (биринчи сурат) — милиция старшинаси, Хоразм вилоят ИИБ Питнак шаҳар милиция бўлимида вояга етмаганлар билан ишлаш — (ВЕБИН) нозири вазифасида ишлаб келмоқда. Сайёрахон аслида педагоглик касбини танлаганди, олий ўқув юртини тугатгач, чекига отаси касби тушди. Норбой Мадримов Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар бўлимларида узоқ йиллар давомида турли лавозимларда ишлади. Аммо, бевақт ажал у кишини айни кучга тўлган вақтда орамиздан олиб кетди. Қуйи Амударё минтақасидаги кўпчилик Норбой акани яхши эслашади...

Бугун Сайёрахон отаси бошлаган иш давомчиси — у ҳам эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилмоқда. Вояга етмаганлар, уларнинг ота-оналари билан ўтказиладиган суҳбатлар ва шу соҳадаги бошқа турли тадбирларни ўтказишда унинг педагог эканлиги ҳам қўл келмоқда.

... Урганч шаҳар ИИБ ВЕБИН нозири, милиция катта лейтенанти Сайёрахон Оллоберганова (иккинчи суратда) ҳақида эса фақат ота касбини танлади, десак озроқ хато қиламиз. Аслида Сайёрахонларнинг оиласи профессионал милиция ходимларидан иборат. Отаси, милиция подполковниги Ражаббой ака Оллоберганов ўттиз йилдан ошиқроқ ички ишларда хизмат қилиб, қарилик нафақасига чиққан. Онаси, милиция старшинаси Бикажон опа Оллаберганова ҳам ҳозир кексалик гаштини сурмоқда. Сайёрахоннинг акаси Одилбек ҳам ички ишлар идорасида масъул вазифада хизмат қилаётир.

Сайёрахон Урганч автомобиль йўллари техникумини тугатиб, ички ишларга хизматга келганди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ҳам таҳсил олаётир.

... Икки Сайёрага бир хил савол бергандик, уларнинг жавоблари ҳам уйқаш келди: Аёллар йилида оилалар тинч бўлсин, болалар етим қолишмасин, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказсинлар. Бизлар ҳам чеҳрамиздан нур ёғилиб, маслаҳат илинжида келган фуқароларга маънан мадад берайлик. Ҳеч бир ота-она «Сўроқ баённомаси»га афсус ва пушаймонлик билан имзо чекмасин!...»

Энди биз ҳам тилак билдиргимиз келади: «Сайёралар соғ бўлсинлар!»

Саъдулло БОБО,
журналист, милиция старшинаси

Китобхонлар билан учрашув

Бекобод туманида баҳорнинг бошланиш онларини китобхонлар байрамига айлантириш одат тусига кирган. Кеча туман маданият уйида туман марказий кутубхонаси ташаббуси билан «Китобдан яхши ёр ўлмас жаҳонда» мавзуида адабий кеча ўтказилиши мазкур анъананинг давоми бўлди. Кечада китобхонлар учун янги нашр этилган китоблар ва ўқув-ахборот кўргазмаси ташкил этилди. Туман марказлашган кутубхоналар тармоғи директори Баҳриддин Нурматов йиғилганларни китоб байрами билан қизғин қутлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда тумандаги мавжуд кутубхоналарда шу кутубхона аъзоларининг сони икки ҳиссага ортди. Буни айни кунлардаги уларнинг талаб ва истакларидан ҳам билса бўлади. Кечани ўтказишдан мақсад ана шундай китобхонларни янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитишдир. Кеча аёл ва баҳор мавзусига бағишланган байрам томошаси билан якунланди.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент вилояти Тошкент туманининг А. Навоий номли жамоа хўжалигидаги 16-ўрта мактаб томонидан Соипов Бахтиёр Ўткирович номига берилган № 404717 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОСИЁ-ВЕСТ
OSIYO
WEST

«Осиё — Вест»
Ўзбекистон — Германия — Исроил
қўшма корхонаси

Серқуёш Ўзбекистон хотин-қизларини баҳор, ёшлик ва гўзаллик байрами — 8 Март билан самимий қутлайди!

Барча эзгу тилакларимиз
мунис ва муҳтабар онажонлару
опа-сингилларимизга армуғон бўлсин!
Келажаги буюк давлатнинг соғлом
авлодини етиштириб, камолга етказишдек
масъулиятли ишда уларга улкан
муваффақиятлар тилаймиз!
Чеҳрангиздан табассум аримасин.
Иқболингиз ҳамиша баланд бўлсин!

Акционерное общество открытого типа
«Ишонч — М»
проводит общее собрание акционеров

ПОВЕСТКА ДНЯ:
1. *Об итогах финансово-хозяйственной деятельности АООТ «Ишонч — М» за 1998 год.*
2. *Заключение ревизионной комиссии и аудиторской проверки по результатам финансово-хозяйственного года.*
3. *Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса на 1 января 1999г.*
4. *Утверждение размеров дивидендов и порядок их выплаты.*
5. *Основные задачи АООТ «Ишонч — М» на 1999 г.*
6. *Разное*

Собрание состоится 2 апреля 1999 г. в 15^{00} часов
в актовом зале АООТ «Ишонч — М» по ул. А. Каххара — 35.
Регистрация участников собрания будет проводиться 2 апреля 1999 года
с 13^{30} до 14^{45} Наблюдательный совет.

Баланс АООТ «Ишонч — М» за 1998 год. *в тыс. сум.*

Наименование	Сумма	Наименование	Сумма
Актив		Пассив	
1. Остаточная стоимость основных средств.	5369	*1. Уставной фонд*	8238
2. Остаточная стоимость нематериальных активов	264	*2. Резервный капитал*	5611
3. Долгосрочные инвестиции	198	*3. Резервный фонд*	183
4. Производственные запасы	4363	*4. Не распределенная прибыль*	14643
5. Готовая продукция	5328	*5. Задолженность по бюджету*	3531
6. Незавершенное производство	94	*6. Задолженность по бюджету*	1671
7. Расходы будущих периодов	122	*7. Задолженность по социальной страховке*	840
8. Денежные средства	7007	*8. Прочие кредиторы*	463
9. Расчеты с покупателями	11753		
10. Прочие дебиторы	682		
Баланс по АКТИВУ	35180	*Баланс по ПАССИВУ*	35180

Достоверенность баланса подтверждена аудиторской фирмой «Циар — Финанс», лицензия № 192 г. Ташкент. Министерства финансов Республики Узбекистан от 30 сентября 1996г.

Ўзбекистон Акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 1999 йил 10 апрелда соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 21-бинода, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси биносида ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1999 йил 1 мартгача бўлган ҳолатда тузилади.

Кун тартиби:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 1998 йил иш якунлари ва 1999 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги йиллик ҳисобот.
2. Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Банкнинг 1998 йилдаги бухгалтерия балансини ҳамда даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш. 1998 йил учун даромадини тақсимлаш.
4. 1999 йилги бизнес-режа ва молиявий хомчўт тўғрисида.
5. Банк Кенгаши тайинлаган, Банк Бошқаруви раисини тасдиқлаш.
6. 1999 йилга Банкнинг аудиторини тасдиқлаш.

Банк акциядорларининг йиғилишларда сайланган акциядорлар ва уларнинг вакилларини рўйхатга олиш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг биносида 9 апрелда соат 9 00 дан 18 00 гача ва 10 апрель куни «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг биносида соат 8.30 дан 9.50гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар ва уларнинг вакилларида шахсий гувоҳнома, шунингдек бошқа акциядорларнинг манфаатларини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган ишонч қоғози бўлиши лозим.

Манзил:

Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй,

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 133-24-86, 136-14-77 «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши

Ўзбекистон корхоналари раҳбарлари ва фуқаролари диққатига!

«Халқаро телеком» акционерлик компаниясининг ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси шуни яна бир бор эслатадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210 сонли «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза этиш қоидалари» қарори барча корхоналар, ташкилотлар ва шахслар бажариши учун мажбурий эканлигини яна бир бор эслатиб ўтади.

Шаҳарлараро телефон алоқаси линиялари шикастланишидан юз минглаб сўм, халқаро алоқа линиялари эса ўн минглаб АҚШ доллари ҳисобида зарар кўради. Алоқа кабелларини шикастлантиришда айбдор шахслардан етказилган зарарни алоқа корхоналари ундириб олади.

Агар қандайдир ер ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолганда сиз кабеллар трассасини ўз хоҳишингизча аниқлашга уринманг — буни фақат бизнинг вакилгина амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель трассаси тасвирланган белгида кўрсатилган.

Огоҳ ва эҳтиёткор бўланг, алоқа кабелларини шикастлантиришга йўл қўйманг!

«Жиззахдонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси акциядорлари диққатига!

1999 йил 18 март соат 14.00 да «Жиззахдонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси бош корхонаси акциядорларининг 1998 йил якуни бўйича умумий йиғилиши маъмурий бинонинг мажлислар залида ўтказилади.

Кун тартибидаги масалалар:

- Йил якуни бўйича ҳисобот
- Тафтиш комиссияси ҳисоботи
- Дивиденд ҳисоби ва унинг тақсимоти
- 1999 йил бизнес - режасини тасдиқлаш ва бошқа масалалар. Рўйхатга олиш эрталаб соат 10.00 да маъмурий бинода ўтказилади.

Манзилимиз: Жиззах шаҳри, Чўл кўчаси-10 (Ў. Ҳотамов ж/х ҳудуди)

ЖАМИЯТНИНГ 1998 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

- Ялпи даромад 712862,0 минг сўм
- Харажатлар 699461,0 минг сўм
- Фойда 13401,0 минг сўм
- Фойдадан тўловлар 4221,0 минг сўм
- Соф фойда 9180, минг сўм
- Заҳира фондига ажратма 2295,0 минг сўм
- Дивиденд учун 6885,0 минг сўм
- Акциялар умумий сони 255834 дона
- Номинал қиймати 100 сўм
- Шу жумладан имтиёзли акция 2540 дона
- Дивиденд тўлаш 100 фоиз

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 17 март куни соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИМОШДИ савдосига таклиф этади

Савдога қуйидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Навоий вилояти, Навоий тумани, Хазара қўрғонида жойлашган 3 сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси — 8626,8 минг сўм.
2. Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган 12 сонли КАЁҚШ.
Бошланғич баҳоси — 11671,8 минг сўм.
3. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ўртачўл массивида жойлашган 4 сонли КАЁҚШ.
Бошланғич баҳоси — 1530,0 минг сўм.
4. Волга «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 77-91 бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 100,0 минг сўм.
5. Волга «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 10 АС-428 бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 80,0 минг сўм.
6. «УАЗ-469» русумли, давлат рақами 10 АС-455 бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 85,0 минг сўм.
7. «РАФ-2202» русумли, давлат рақами 12-22 ТНБ бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 156,0 минг сўм.
8. Волга «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами бўлмаган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 75,0 минг сўм.
9. Волга «ГАЗ-24» русумли, давлат 05-77 ТШБ бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 130,0 минг сўм.
10. Москвич «М-412» русумли, давлат рақами 02-59 ТШБ бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 90,0 минг сўм.
11. «УАЗ-3152» русумли, давлат рақами 10 АН 084 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 72,0 минг сўм.
12. Москвич «М-2140» русумли, давлат рақами 10 АН 089 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 53,0 минг сўм.
13. Москвич «ИЖ-2715» русумли, давлат рақами АІ-180 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 70,0 минг сўм.
14. «КАМАЗ-5410» русумли, давлат рақами 73-59 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 150,0 минг сўм.
15. Полуприцеп-рефрежератор. Давлат рақами 25-13 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 240,0 минг сўм.
16. Москвич «ИЖ-2715» русумли, давлат рақами 10 АС-024 бўлган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 50,0 минг сўм.

Мазкур автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва автотранспорт воситаларига қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8- уй. Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3- қават, 28 ва 29-хоналар.
Телефонлар: 136-15-28, 136-28-75. Ички 153, 154, 162.
Факс: 136-26-26

«АПКО Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш корхонаси акционерлик жамияти жамоаси

Мамлакатимиз хотин-қизларини баҳор, шоду ҳуррамлик ва гўзаллик байрами билан қизғин муборакбод этади!

Ниятимиз шуки, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, оилада вафодор ёр, меҳрибон она бўлишсин. Бизнинг лаззатли маҳсулотларимиз юртимизда соғлом авлодни камолга етказишда хизмат қилаверсин.

Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, Аёллар йилида барчага омад, шодлик, бахт, тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз!

«АПКО Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш корхонаси акционерлик жамияти

Чакана савдога қўйиш учун мўлжалланган халқ истеъмоли маҳсулотларининг келишилган эркин нархларини маълум қилади

Шакарли қандолат маҳсулотлари			
Маҳсулотнинг номи ва у ҳақдаги қисқача маълумот	Артикули, тури, хили, нави	Ҳажми қанча (тонна)	Қўшимча қиймат солиғини қўшиб ҳисоблаганда бир тонна маҳсулот баҳоси
1	2	3	4
Карамель, давлат стандарти бўйича 6477—89			
Мева-данакли тўплам			294811
Олма			295460

Мойли қиём суртилган конфетлар давлат стандарти бўйича 4570 — 73			
Қизил қалпоқча			447505
Анис	маҳаллий ёрлиқ		356035
Анис	хорижий ёрлиқ		366664
Олтин қуш			442144
Наргиз			368795
Семурғ			440992
Қорақум			447370
Истиқлол			467194
Коинот			432206
Орзу			340208
Лочин	хорижий ёрлиқ		369181
Малика			368992
Наврўз			451458
Зумрад			459860
Спектр			436151
Ниқоб			456634
Наво			496290
Ананасли			439768

Мой суртилмаган конфетлар, давлат стандарти 4570—73			
Лучистые			296929
Освежающие			287299
Старт			314501
Нилуфар			296075
Малика			286451
Терен-теренск			327772

Печенье, давлат стандарти 24901—89 Олий навли ундан тайёрланганн			
Жониворона			172244
Бир килограммли қилиб, қадоқланган жониворона			256833
Бир қутиси			256-83
Лаззат			191298
Тонг			174521
Барака			176816

Биринчи навли ундан тайёрланганн			
Крокет			154675
Шодиёна			142424
Янгийўл			148973

Олий навли ундан тайёрланган шакарли печенье			
Қалдирғоч			174919
Баҳор			174234
Қувончли			191634
Қалдирғоч	125 гр. қилиб қадоқлангани		230988
Баҳор	125 гр. қилиб қадоқлангани		221104
Қувончли	125 гр. қилиб қадоқлангани		231065

Биринчи навли ундан тайёрланган шакарли печенье			
Камола			147888
Осеннее			149700
Бойчечак			147888

Вафли, давлат стандарти 14031 — 68			
Лимонли			273540
Лимонли	125 гр. қилиб қадоқлангани		337036
Апельсинли			273540
Весеннее			307724
Нозик			289789

Хўжалик юритувчи монополист субъектнинг номланиши	Маҳсулотнинг номи	Техник хужжатлари	Ўлчов бирлиги	Қўшимча қиймат солиғи билан биргаликдаги сўнгги нарх
«Озиқ-овқатсаноат» уюшмасига қарашли «АПКОЛаззат» қандолат ишлаб чиқариш корхонаси акционерлик жамияти	Нон ёпиш учун хамиртуруш			
	Қадоқланган ва пресланган хамиртуруш 100 гр.	Давлат стандарти 171-81	т	143130
	1000 гр.		т	130170
	Қадоқланган хамиртуруш 1000 гр.	Давлат стандарти 18-139-74	т	444815
	Хамиртуруш сути	ТУ 18 Ўзр 25-76	т	60030
				0,45
				133400

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 8

«Ўзбекистон» телеканали
ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Зеболаниб келибсиз». Мусиқий дастур.
9.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 Халқаро хотин-қизлар куни 8-мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
11.00 «Зийнат».
11.40 «Аёл оламни асрар».
12.10 «Увайсий». Миллий рақс томошаси.
13.00 «Ўзбекистон қаҳрамонлари». Онессия Сеитова.
13.15 Болалар учун. «Қутлов».
13.45 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
15.00 «Цирк, цирк, цирк...»
15.25 «Мунис чехралар».
15.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Хаёл». Премьера.
15.55 «Турон қизлари». Бадиий спорт дастури.
16.35 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
16.40 «Баҳром ва дилором». Мультфильм.
17.10 «Муҳаббат дарси».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
18.45 Телевизион миниатюралар театри.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Экран куйлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».
22.40 «Ажаб саодат эрур...» Байрам кўрсатуви. 1-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Ажаб саодат эрур...» Байрам кўрсатуви. 2-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.00 «Бунчалар гўзалсиз». Мусиқий дастур.
10.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
11.00 «Лаззат».
11.30 «Мафтункор чеҳралар».
11.50 «Ташрифинг муборак, Баҳор».
12.20 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
13.40 «Мунисим онам».
13.55 «Минг бир маслаҳат».
14.10 «Есения». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.10 «Гулмисиз, райхонмисиз_»
15.25 «Темурнома». Юртим деб, элим деб.
15.45 «Санам».
16.05 «Ақл ёшдамас».
16.20 Синема .
17.55 «Мусиқий лаҳзалар».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)
18.35 «Темурнома»: Бисёр олий иморатдур.
18.55 «Байрам табриги».
19.00 «Давр».
19.30 «О, ёшлигим...»
19.50, 20.35, 23.30 Эълонлар.
19.55 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Келин салом». Видеофильм. 2-қисм.
20.40 «Кулгига нима етсин».
21.05 «Худуд».
21.30 «Маслаҳат».
21.55 «Байрам табриги».
22.00 «Давр».
22.30 «Байрам табриги».
22.35 «Обид-шоу».
23.35 Синема. «Иккиовлон кўплик қилади».
01.20 «Байрам концерти».
01.50 «Хайрли тун!»

TRV
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Дилором наволар.
9.40 С. Имомов. «Сойиб Хўжа» операцияси». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театр спектакли.
11.55 «Тасанно».
12.35 Болажонлар экрани.
14.05 «Ханда дўкони.»
14.25-16.05 Кинонигоҳ.
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун» (рус тилида)
18.25 Телефакт (рус тилида)
18.35 «Ташналик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Онагинам». 1-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Онагинам». 2-қисм.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
